

АТАЕВ Муслим Рихсевич
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
докторанти, PhD

ИСЛОМДА НАФАҚА БЕРИШ МАСАЛАСИ

ВОПРОСЫ ВЫПЛАТЫ ПОСОБИЙ В ИСЛАМЕ

ISSUES OF PENSION PAYMENT IN ISLAM

Аннотация: Ушбу мақолада Ислom динида нафақа бериш тарихи, нафақа миқдори ва уни кимлар бериши ҳақида сўз боради. Мақолада биринчи ренессанс доирасида илмий фаолият олиб борган Уструшана илмий-маданий марказининг йирик намоёндаси, фақиҳ, Маждуддин Мухаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг “Жомиъ аҳком ас-сигор” асаридан нафақага тааллуқли фатволар танлаб олиниб ўзбек тилига таржима қилинган.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр, ўрта асрлар, Уструшана, мерос, қози, нафақа, балогат ёши, таъминот, даъво.

Аннотация: В этой статье рассказывается об истории выплаты пособия в Исламе, размере пособия и о том, кто его дает. Статья представляет собой подборку фетв о пособиях из книги «Джами ахкам ас-сигар» Маждуддина Мухаммада ибн Махмуда аль-Уструшани, видного представителя Уструшанского научно-культурного центра, проводившего исследования в период первого Ренессанса.

Ключевые слова: Мавераннахр, Средние века, Уструшана, наследие, кази, пособие, пенсия, возраст совершеннолетия, обеспечение, иск, претензия.

Annotation: The present article discusses the history of pension payment in Islam, the amount of payment, and who pays it. In the article, the formal rulings (fatwas) concerning pension from the work called “Jamiy’ ahkam as-sig’ar” of Majduddin Muhammad ibn Mahmud al-Ustrushaniy have been selected and translated into the Uzbek language. Al-Ustrushaniy was a great figure in Ustrushana scientific-cultural center who conducted scientific research in the Early Renaissance period.

Keywords: Mawarannahr, Middle Ages, Ustrushana, heritage, qadi (judge, magistrate), pension, puberty, provision, claim.

КИРИШ

Ислom дини кишилиқ жамиятида ўз ўрнини топиб, унинг дунёвий ва диний ҳаётида амалий суратда татбиқини топган илк саодат асридан бошлаб ҳар бир мусулмоннинг ҳақ-ҳуқуқларига катта аҳамият бериб келади. Бу таълимот ва унинг йўл-йўриқлари жамият асосининг пойдеворидир. Муқаддас динимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб янги фарзанд туғилган оилага нафақа – пул бериш қонунини жорий қилди. Туғилган чақалоқ ҳоким ёки ҳукумат ходими, оддий ишчи ёки оддий одам фарзанди бўладими, барибир.

Ислom дини бола ҳуқуқларини туғилмасиданоқ муҳофаза қилади. Бунга мисол ажрашган ёки эри вафот этган аёлларга идда сақлаш шарт қилингандир. Бундан мақсад – ҳомиладор аёлнинг қорнидаги боланинг насабини аниқлашдир. Эри вафот қилган аёлнинг иддаси тўрт ой ўн кун бўлса, талок қилинган аёлнинг иддаси эса уч ойдир. Боланинг насаби аниқ бўлиши унинг энг биринчи ҳаққидир. Шу билан бирга, туғилмаган болада ҳам мерос олиш ҳуқуқи бор. Бу ислom шариатида туғилмаган бола ҳам ижтимоий таъминланганига яққол мисолдир.

Агар ҳомиладор аёлнинг эрида мерос қоладиган мулки бўлмаса, туғилмаган боланинг нафақаси бобоси ё амакиси, ёки амакисининг ўғлининг зиммасидадир, агар боланинг ота томондан қариндошлари бўлмаса, унда боланинг нафақаси ҳукумат молидан ажратилади. Аёлнинг нафақаси эса турмушга чиққунига қадар отаси ёки ака-укалари ёки нафақа қилишга қодир бўлган ўғли ёки амакиси, ё бўлмаса, амаки ўғлининг зиммасидадир [1:24].

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳам ёлғиз оналар фарзандларига нафақа ажратилади. Ёки эри тирик бўлса-да, иқтисодий аҳволи танг, фарзандларини боқишга молиявий имконияти етмайдиган оилаларга ҳам нафақа тўланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Агар биз миллий давлатчилик ва ҳуқуқ тарихимизга назар солсак, «Авесто»да кишилар ўртасидаги ҳуқуқий-ахлоқий муносабатлар, оила ва никоҳ, жиноят ва жазо каби масалалар билан бир қаторда боланинг ҳуқуқ ва

манфаатлари кафолатлари бўйича кўплаб муҳим ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлган. Кўп болали оилалар иззат-икром кўрсатилган. Уларга нисбатан марҳаматли бўлиш тарғиб қилинган. Шу жумладан, жамоалар раҳбарлари ҳисобидан уларга махсус нафақалар тизими таъсис этилган. Жамоа оқсоқоли бир йўла 2-3 тадан фарзанд кўрган аёлларга бир жуфт соғин сигир ёки сарик туя ҳадя қилиши ва ҳазинадан уларга доимий нафақа белгиланиши урф бўлган. Ота авлоднинг розилиги билан эмизикли чақалоқлар онага берилиши мумкин бўлган. Она боласини то ўзи мустақил овқатланадиган, ўзини эплай оладиган даражада бўлгунга қадар вояга етказди. Бу вақт мобайнида боланинг таъминоти учун ота онага нафақа тўлаши шарт бўлган. Болани эмизиш онанинг ҳуқуқи бўлиб, бу унинг мажбурияти эмас эди [2:161-220; 3:16].

Ислом динида жамиятни бахту саодатига кафил бўлувчи барча шарт-шароитлар тўла таъминланган, уларни ҳар замон ва маконда бахтиёр бўлишлари учун зарур бўлган гўзал намунали муҳит жорий қилинган. Ҳаётда шундай ҳолатлар бўладик, эр оиласини боқишга қудрати етмай қолади. Шундай ҳолларда, ҳанафий мазҳаби вакиллариининг фикрича, эрхотиннинг никоҳлари қози томонидан бузилмайди. Бундай пайтда, қози аёлга эрининг номидан қарз олишни белгилайди ва эр бу қарзларни кейинчалик қодир бўлган пайтда тўлайди. Аммо шофеъий мазҳабига кўра, эр нафакани адо этишга қодир бўлмай қолганда, эрхотинни ажратиб юборишга ҳукм қилинади ва бу ҳукм икки тараф учун ҳам яхшироқ экани таъкидланади.

Муқаддас динимизда аёлнинг никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган мулкӣ ҳуқуқларидан бири нафақа олишдир. «Нафақа» сўзи луғатда «сарфлаш» маъносида ишлатилиб, ислом ҳуқуқида кишининг хотини, болалари, отаонасини моддий эҳтиёжлар – озиқовқат, кийимкечак ва уйжой билан таъминлаши тушунилади. Аёлга нафақа беришнинг мажбурийлиги Куръон, сунна ва ижмоъ орқали белгиланган. «Нафақа - дейилади «Ҳидоя»да, - эрхотинликнинг таянчи ва оила давомли бўлишининг асосий омилдир» [4:683].

«Мухтасар»да зикр қилинишича, агар камбағал киши аёлига камбағалларга қилинадиган нафакани адо қилиб келаётган

бўлса, вақтлар ўтиши билан эр бойиб кетса ва хотин қозига нафакасини ошириш ҳақида даъво қилса, қози эрга нафакани ошириши ва бойларникидек нафақа беришини тайинлайди [5:128].

Ислом тарихида Умар ибн Хаттоб (р.з.) ўзининг халифалик даврининг дастлабки йилларида болага сутдан чиққунга қадар нафақа белгиламас эди. Кейинчалик фикрини ўзгартириб, бола туғилгандан то сутдан чиққунга қадар ҳукумат томонидан унга нафақа тўлашни жорий қилди. Бунга қуйидаги воқеа сабаб бўлди. Умар (р.з.) бир куни кечаси масжид атрофида юрган эди. Тўсатдан бир гўдакнинг йиғисини эшитиб қолди. Умар (р.з.) унинг онасига: “Болани эмизмайсанми?”, деди. Аёл: “Мўминлар амири болалар сутдан чиқмагунча уларга нафақа тўламайди. Шунинг учун мен боламни эртароқ сутдан чиқармоқчиман”, деди. Умар (р.з.): “Мен бу болани оз қолса ўлдириб қўяр эканман. Уни эмизавер, мўминлар амири тез орада унга нафақа ажратади”, деди. Шундан сўнг Умар (р.з.) туғилган чақалоқларга ҳам нафақа ажратадиган бўлди [6:40]. Бу ҳозирги кунги болаларга ҳукумат томонидан бериладиган маълум миқдорлаги пул маблағига ўхшаб кетади. Лекин Умар (р.з.) давлат ҳазинасидан ота бўлганларга нафақа ажратар эдилар. Бу нафакани ҳукумат ишида ишлайдиган ва ишламайдиган оталар ҳам бирдек олар эдилар. Бу ҳам Умар (р.з.)нинг маданий сабоқларидан биридир.

Абу Убайд ал-Қосим ибн Саллом ўзининг «Ал-Амвал» китобида шундай дейди: Ҳазрат Умар ибн Хаттоб (р.з.) ҳар туғилган бола учун отасига 100 дирҳам миқдорида ҳадя ажратди. Бола улғайгани сайин ҳадяни зиёда қилди. Бу тартиб сўнг Усмон (р.з.), Али (р.з.) ва бошқалар даврларида жорий бўлиб турди. Бу ислом дини мусулмонлар қалбига, ҳис-туйғуларининг туб-тубига, виждонининг ич-ичига илдиз отган маънавий тарбия ҳисобланади. Бундай тарбия жамиятни бир-бирига ёрдам бериш ва ўзаро бирдамликка, имон, рағбат билан ихтиёрийлик ва чин қўнгилдан яхшилик қилишга ундайди. Мусулмон жамиятдаги ўзаро бирдамлик, меҳрибонлик ва ўзаро ёрдам беришнинг тарихий намуналари бунга катта далилдир [7:456].

Биз қуйида болалар нафақасига тааллуқли фатволарни Уструшана илмий-маданий марказининг йирик намоёндаси, фақиҳ Маждуддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Хусайн ал-Уструшанийнинг «Жомиъ аҳком ас-сиғор» («Вояга етмаган болаларга тааллуқли шаръий ҳукмлар мажмуаси») асаридан таржима қилиб, ҳукмингизга хавола қиламиз.

Болалар нафақаси

Балоғатга етмаган болаларнинг нафақаси уларни озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой билан таъминлаш отанинг бурчидир. Фақир балоғатга етмаган боланинг нафақаси отасига вожиб бўлади. Бу ҳукмнинг далили Қуръони каримдан олинган. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **«Уларни меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш отанинг зиммасидадир»** (Бақара, 233). Боланинг сабабидан онага нафақа бериш вожиб бўлишида ҳеч шубҳа қолмайди. Боланинг нафақаси фақат отага, ота-онанинг нафақаси фақат ўғилга ва хотиннинг нафақаси фақат эрга вожиб бўлади. Унга бу нафақада ҳеч ким шерик бўлмайди. Болани эмизиш нафақадир. Нафақа эса отага вожибдир.

Изоҳ: «Жомиъ ар-румуз»да шундай дейилган: Балоғатга етмаган боланинг нафақаси касб қиладирган вақтгача отасининг гарданига вожибдир. Ул вақтда, яъни касб қилишга қудрати етадиган бўлганда болани отаси иш ўрганишга топширгай ва ул бола қилган касбидан нафақа бергай. Бас, ишни яхши қилишдан илгари у болага отаси ўз молидан нафақа бергай. Боланинг нафақасини беришда ҳеч ким отага шерик бўлмагай, яъни ёлғиз ўзига болани боқиш ва нафақа бериш вожибдир. Онаси ва хотинининг нафақасини беришда ҳеч ким отага шерик бўлмагай, яъни отанинг ёлғиз ўзига болани боқиш вожибдир, бу ота-онаси ва хотинининг нафақасини берганида ҳеч ким шерик бўлмаганига ўхшаш.

Балоғатга етган қизнинг эри бўлмаса, нафақаси отасига вожиб бўлади. Кўзи ожиз, ақли йўқ, толиби илм бўлган ўғиллар камбағал бўлсалар, уларнинг нафақаси ҳам отага вожиб бўлади. Турмуши бузилиб, қайтиб келган қизнинг нафақаси ҳам отага вожиб бўлади. Бунга Расулulloҳ (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадислари далил. Суроқа ибн Жуъшумдан ривоят қилинади: Расулulloҳ (с.а.в.): **«Эй Суроқа, сенга энг улуғ садақанинг ёки садақадан**

ҳам улуғроқ нарсанинг далолатини берайми? - дедилар. Ҳа, ё Расулulloҳ, деди. Уйингга қайтиб келган ва сендан бошқа таъминотчиси бўлмаган аёл зотиға икром кўрсатмогинг», - дедилар [6:35-36].

Нафақа миқдорини белгилаш

Имом Муҳаммад таъминот миқдорини белгилаб, шундай дейди: Балоғатга етмаган боланинг нафақаси ва кийими бой кишига бир дирҳамдир. Бу мажбурий, ўзгармас миқдор эмас, балки эҳтиёжни қоплайдиган даража эътиборга олинади. Агар камбағал бўлса, қозининг белгилашига қараб (аёллар таъминотидек), болаларга таъминот пули ва кийимни етарли қилиб бериш буюрилади [6:37].

Нафақани онага бериш

Агар бир кишининг балоғатга етмаган болалари бўлиб, баъзилари эмизикли, баъзилари сутдан чиққан бўлса ва уларнинг онаси хотини бўлса ҳамда болаларнинг шахсий маблағи бўлмаса, онаси уларнинг таъминоти бўйича даъволашса, модомики болалари ёш экан, қози уларнинг таъминотини ота зиммасига юклайди. Агар она болаларининг таъминотида эрнинг тазйиқи ва зиқналигидан шикоят қилса, қози унинг шикоятини эшитиб, болаларнинг моддий таъминотининг бир қисмини онага бериши лозим. Агар ота: «У мендан пулни олиб, болаларга бермайди», деса унинг онага қарши даъвоси қабул қилинмайди. Чунки она дахлсиз кишидир. Дахлсиз кишига қарши хиёнат даъвоси далилсиз инobatга олинмайди. Эр қозидан хотиннинг қўшниларида сўраб кўришни сўраса, эҳтиёт юзасидан сўрайди. Бунда фақат борди-келди қиладиган қўшнилардан сўрайди. Чунки шундай қўшнилари онанинг аҳволини яхшироқ билишади. Агар ҳолат эр айтгандек бўлса, қози онага танбех бериб, бу ишдан қайтаради.

Баъзи машойихлар шундай дейишган: Агар бу борада низога бориладиган бўлса, қози истаса таъминот пулини ишончли кишига топшириб, у эрталаб ва кечаси уни онага бериб туради. Пулни бирданига бермайди. Истаса болаларга таъминот пулини беришни бошқага буюради [1:101-102].

Аёл эри билан болаларнинг нафақаси бўйича сулҳ қилиши

Агар хотин эри билан (у хоҳ кийин аҳволда бўлсин, хоҳ шароити яхши бўлсин) ёш болаларининг нафақаси бўйича сулҳ қилиши

мумкин. Бундай сулҳ жоизлигини билиш учун «Захира»нинг «Таъминот» бобига қаралади: Агар сулҳ қилинган миқдор одамларни ҳавасини келтирадиган даражада уларнинг таъминот пулидан кўп бўлса, аммо уларга етадиган миқдорни белгилаб берувчилар ўлчовига кирса, кечиримли. Чунки бу одатий ҳолат. Агар миқдорни белгилаб берувчиларнинг ўлчовига кирмаса, ортиқчаси олиб ташланади. Чунки ота уларга етадиган даражада нафақа беришга мажбур. Болаларга таъминот пули бериш билан яқинларга нафақа бериш ўртасини фарқлаш зарур. Қийин ҳолатдаги киши яқин кишиси билан нафақа борасида сулҳ қилиши мумкин эмас. Чунки яқинларнинг нафақаси фақат иқтисодий ҳолати яхши бўлган кишиларга юклатилган. Бу сулҳ яқини ҳақли бўлмаган нарса бўйича бўлса, бу тўғри эмас. Болалар нафақаси эса отага юклатилган мажбуриятдир. Агар ота қийналган ҳолатда бўлса, сулҳ болалар ҳақи миқдори ичида бўлса, бу жоиздир.

Ота нафақа юзасидан ҳибс қилиниши мумкин

Агар ота ишлаб, пул топиб, балоғатга етмаган болаларига нафақа беришдан бош тортса, у бунга мажбур қилиниб, ҳибсга олинади. Бошқа қарзлар эса бундай эмас. Чунки ота-оналар болаларининг қарзлари туфайли қамалмайди. Фарқи «Захира»да ёритилган.

Изоҳ: Абу Ҳурайра (р.з.) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деганлар: **“Аллоҳнинг йўлида нафақа қилган диноринг, қул озод қилиш учун сарф қилган диноринг, мискинга садақа қилган диноринг ва оиланга нафақа қилган диноринг – буларнинг энг улуғи оиланга нафақа қилган динорингдир”** (Имом Муслим ривояти). Мазкур ҳадиси шарифда оилага нафақа қилиш зарурлиги, бу ишнинг савобли экани ва садақалар орасида энг афзали эканлиги таъкидланмоқда.

Яна бир ҳадиси шарифда “Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: **“Албатта, сен қачон оиланга нафақа қилсанг, бунга савоб оласан. Ҳатто аёлинг оғзига луқма солишинга ҳам савоб ёзилади** (Абу Яъло ва Аҳмад ривояти. Санади саҳиҳ) [1:103].

Болаларнинг нафақаси қачон байтулмол (давлат бюджети)дан берилади?

Агар ота қарилиги сабабли меҳнатга лаёқатсиз бўлса ёки ўтириб қолган бўлса,

тиламчилик қилиб, болаларига нафақа беради. Фақиҳ Аҳмад ибн Умар ибн Муҳайр Хассоф Абу Бакр Шайбонийнинг «Нафақот»ида шундай дейилган. Кейинги давр олимларидан баъзилари шундай дейишган: Бу ҳолатда болаларнинг нафақаси байтулмолдан берилади. Чунки бу ҳолатга тушиб қолган ота бўлса, унинг нафақаси ҳам байтулмолдан бўлади. Балоғатга етмаган болаларининг нафақалари ҳам худди шундай [1:104-105].

Болалар одамлардан тиламчилик қилиб кун кўрса, ота нафақа мажбуриятдан озод бўлади.

Отага балоғатга етмаган болаларни таъминлаш юклатилгандан сўнг хотин қарз олмаган бўлса, лекин болалар тиламчилик қилиб кун кўришса, ота ҳеч нарса беришга мажбур бўлмайди. Чунки улар тиламчилик қилиб, одамлар уларга бирон нарса беришса, бу уларнинг шахсий мулки бўлиб, улар мухтож бўлишмайди, эҳтиёж йўқолади ва ота мажбуриятдан озод бўлади. Агар болаларга етарли бўладиган миқдорнинг ярмини беришса, ота нафақанинг ярмидан озод бўлади. Бундан сўнг қолган ярми бўйича қарз олгани маъкул бўлади. Буни қиёсга биноан тушуниш лозим. Бу, айнан болалар нафақасига тегишли бўлмай, балки барча маҳрамлар нафақасига ҳам татбиқ этилади. Агар тиламчилик қилиб кун кўришса, нафақа бериш мажбуриятини юкланган кишидан талаб қила олишмайди[1:105-106].

Болалар билан маҳрамлар нафақаси ўртасидаги фарқ

Масаланинг негизи: Яқин кишилар таъминоти қозининг ҳукми билан қарз бўлиб қолмайди. Балки муддат ўтиши билан озод бўлади. Хотинларнинг нафақаси эса бундай эмас. Буларнинг барчасини «Захира»нинг «Таъминот» бобидан кўриш мумкин. Унда шундай дейилган: «Ал-Ҳовий фи-л-фатово» китобида ушбу масала ҳамда боланинг ва бошқа маҳрамларнинг нафақаси ўртасидаги фарқ зикр қилиниб, шундай дейилган: Боланинг нафақаси ота зиммасига қозининг ҳукми билан қарз бўлиб тушади. Бошқа қариндошларнинг нафақаси эса қозининг ҳукми билан қарз бўлмайди[1:106].

Фикҳий манбаларимизда эр сафарда ҳолида оиласи таъминотини жойига қўймаса, аёл буни қозига кўтарса, қози унга болалари ва ўзига кифоя қилгудек зарурий нарсаларни эрни

номига қарз олишга қафолат хати қилиб беради ва эри келгач, хотин олган қарзларни қози ҳақдорларга ундириб бериши очиқ айтилган.

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Марказий Осиёда қадимда бола ҳуқуқига оид муносабатлар нафақат ёзма қонунчилик асосида, балки халқ орасида оғзаки равишда шаклланган ҳуқуқий одатлар асосида ҳам тартибга солинган. Бугунги кунда ажрашган оталарга маълум миқдор нафақа (алимент) белгиланади. Бу юқорида айтилган шаръий ҳукмаларга ҳамоҳанг ишдир. Бу маълум вақтгача, ойлик маошни маълум фойзини бериш тайинланади. Алимент шаръий нафақадан енгил ва оздир. Чунки нафақа ҳар ойга эмас, доимий харажатларни тўлиқ қафолатлаш ва касал бўлса, даволатиш ҳам деганидир. Бу эса ҳар ой бир миқдор эмас, шароитга қараб, баъзи вақтлар кўпроқ бўлиши табиийдир. Шунинг учун алимент берувчи оталар, алимент беришдан бош тортишлари гуноҳдир. Вазифа ва мажбуриятларини бажармаган бўладилар ва уларни шаръан ҳам, қонуна ҳам, маҳкама тортиш тўғри ҳисобланади. Бу оталар алиментни бердим, баса, демасдан, мободо, фарзандлари кўпроқ ёрдамга муҳтож ҳолга тушиб, беморликка чалиниб қолсалар, оталар инсоф қилишлари ва қўшимча ёрдам беришлари ҳам зиммаларидаги вожиб вазифа ҳисобланишини унутмасликлари лозим. Ақалли, шу алиментни ўз вақтида беришдан бош тортмаслиги лозим ва турли байрамларда уларни йўқлаб, алиментдан ташқари кийим-кечак ва совға-салом бериб туришлари уларнинг шарафли ва савобли вазифаларидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Атаев М. Ислонда болалар ҳуқуқи. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – Б. 24.
2. Ломакин А. Обычное право туркмен (Адат)// Степной закон. Обычное право казахов, киргизов и туркмен/ Составитель, автор вступительной статьи, комментариев и глоссария А.А. Никишенков. - М.: Старый сад, 2000. – 289 с.
3. Зуннунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи. — Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 528 б.
4. Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. 1-жилд. –Т.: Адолат, 2000. – 848 б.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кифоя (Шарҳи Мухтасар Вико). (2-3 жилд). –Т.: «Шарқ», 2008.
6. Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний. Жомия аҳком ас-сиғор: Бола ҳуқуқлари кодекси. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Муслим Атаев. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – 212 б.
7. Ибн Салам. Абу Убайд ал-Касим. Китаб ал-амвол. – Бейрут: 1989. – 807 б.